Икки йилдан буён ҳокимият тепасида турган етакчи буржуа партиялари (ОПР ва СФД) аҳолининг юқори табақалари, йirik монополиялар фойдасига кўп иш қилдилар. Давлат қўлида бўлиб келган ўндан зиёд банклар ва йirik санаот корхоналари денационализация қилинди, яъни ҳусусий мулк эгаларига сотилди. Санаот корхоналарининг фойдасига солинадиган солиқ қаматирилди. Нархнаво, уй-жой учун тўланадиган ҳақ, валюта операциялари устидан маъмурий назорат қилиш тугатилди. Ҳали социалистлар ҳукумати томонидан жорий қилинган, меҳнаткеш халқ ёқтирмаган «қаттиқ тежамкорлик сиёсати» қатъий рiuо қилинди. Ишчиларнинг ўсиши тўхталиб, унинг даражаси бирмунча турғунлашган бўлса ҳам ишга лаёқатли аҳолининг 10,5 проценти ёки 2,6 миллион киши ишсиздир.

Ташқи сиёсат соҳасида Жак Ширак ҳукумати Франциянинг ядровий кучларини кучайтириш, НАТОга қараб қилиш, денгиз ортидаги территорияларда миллий озолиқ ҳаракатларини бостиришга интилади.

Мавжуд бўлган қийинчиликлардан (ишсизлик, инфляция, нарх-навонинг ўсиши), мамлакат олдида турган кўпгина муаммоларнинг ечимсиз қолаётганлигидан неофашистлар тўдаси усталик билан фойдаланди. Ҳукуматнинг ички сиёсатидан, етакчи партияларнинг фаолиятдан нозориз бўлган бир қисм сайловчилар буржуа пропагандаси ва лепенчиларнинг демогоник шiorлари таъсири остида ўнг-

га огдилар.

Миттераннинг сайловолди программаси ва тактикаси асосан миллат раҳбари мавқега эга бўлишга, олий давлат лавазимини сақлаб қолишга бўйсундирилган эди. Коммунистлар номзоди А. Лажуани эконимикан соғломлаштириш, ишсизликни камайтириш, меҳнаткешларнинг даромадларини кўпайтириш ва уларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш тўғрисидаги миллионларча французларнинг манфаатларига мос бўлган таклифларини ўртага ташлади. У Францияни кулолсизланиш жараёнида фаол қатнаштиришга, 2000 йилга ядровий кулолрсиз қилишга қақирди.

Буржуа партиялари ва оммавий ахборот воситалари коммунист номзоднинг таклифларини ҳар доимгидек бузиб кўрсатишга ёки умуман четлаб ўтишга ҳаракат қилдилар.

Сайловларнинг 24 апрелда ўтган биринчи даврасида 34,11 процент овоз олган Ф. Миттеран олдинга чиқиб олди. Ж. Ширак ва Р. Барр эса ўз олдидан кўйган мақсадга эришолмадилар. Ўта ўнг кучлар сардори Ле Пен 14,38 процент овоз олиб, кўпчиликни ҳайратда қолдирди. Андре Ложуанини сайловчиларнинг 6,76 проценти қўллаб-қувватлади. Олдинги президент сайловида ФКП Марказий Комитетининг Бош секретари Жорж Маршьега берган овозлар сонини бундан икки баравар кўп эди. Демак, бу галги сайловларда ФКП сайловчиларнинг бир қисмини йўқотди. Аммо француз ўртоқларнинг фикрича сайловларнинг натижалари Компартиянинг жамиятдаги ҳақиқий таъсирини акс эттирмайди.

Сайловларнинг дастлабки даврасида энг кўп овоз олган Ф. Миттеран ва Ж. Ширакнинг номзодлари иккинчи даврага кўйилди.

Лекин сўнгги кунгача номзодларнинг қайси бири сайловда ғолиб чиқиши ноаниқ эди. Бу саволга французларнинг ўзлари жавоб бердилар. 39 миллионга яқин сайловчиларнинг 54,5 проценти Ф. Миттераннинг иккинчи марта президент бўлишини ёқлаб чиқди. 46 процент овоз олган унинг рақибига мағлубиятга учради. Аънамага кўра Ж. Ширак ҳукумати истеъфо берди ва президент коммунист Мишель Рокарини Франция бош министри қилиб тайинлаб, унга янги ҳукумат тузишини топширди.

Сайловларнинг якунлари тўғрисида гапирадиган бўлсак, биринчи навбатда французларнинг кўпчилиги мамлакатнинг ўннга оғишини истамаётганлигини кўрсатиш керак. Француз халқи ўнг ҳукуматнинг ички ва ташқи сиёсатини ёқламаслигини намойиш қилди. Сўл президент билан ўнг ҳукуматнинг икки йил давом этган бирга яшаши ҳам мумкин бўлмай қолди.

Янги президент ўзининг миллатга қилган мурожаатида мамлакат олдида турган проблемалар билан бирга кулолсизланиш масалалари билан ҳам шуғулланаётганини айтди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев Франция Миттеранни таъриқлар экан, СССР билан Франция ўртасидаги аънавий дўстлиги ва ўзаро манфаатли хамкорлигининг бундан буён ҳам ривожланишига ишонч билдирди.

С. ҚУРБОНОВ,
халқаро шарҳловчи.

Венгриялик механик Шибештене Карпати ўзининг кўп йиллик орзусига эришди. 1918 йилларда машҳур бўлган «Роллс-Ройс» автомобилини яраткиш учун маблагини, вақ-

тини ҳам аямади. Оғирлиги 850 килограмм, узунлиги 4,2 метр бўлган бу автомобиль соатига 100 километр масофани босиб ўта олади. МТИ—ТАСС фотоси.



Германия Федератив Республикасида Карл Маркс туғилган кунинг 170 йиллиги муносабати билан Вупперталдаги марксизмни ўрганиш илмий марказида илмий коммунизм асосининг ҳаёти ва фаолияти ҳақида махсус экспозициялар ташкил этилган. Суратда: экспозиция залларидан бирида.

Г. Кульбидкий фотоси.
ТАСС.


41-ХАЛҚАРО КАНН КИНОФЕСТИВАЛИ ОЧИЛДИ

КАНН. Бу ерда 41-халқаро Канн кинофестивали очилди. Асосий конкурсда қатнашиш учун барча кинотеатрографиячилари яратган 21 та бадий фильм танлаб олинди. Улар орасида Клинт Иствуд, Карлос Саура ва Маргарет Фон Тротта сингари машҳур санъаткорларнинг асарлари бор.

Жаҳон киносининг Канн шаҳрида ўтказилаётган бу галги кўрғида совет кинематографиячилари, гарчи, фестивалнинг «Олтин пальма шоҳи» бош соврини учун курашмасаларда, мамлакатимиз кино санъати асарлари кинофестиваль доирасида ўтказилаётган бошқа бир қатор конкурсларда қатнашади.

«Қора қўллар» Совет — Италия фильмида бош ролини ижро этган Елена Сафонованинг халқаро жири аъзолигига сайланиши совет киносининг халқаро кинематография тараққиётида тугган роли жаҳон миқёсида эътироф этилганидан далолат беради.

[ТАСС. 12 май].



«ЗАМОНАВИЙ»
МАШИНА

Совет Иттифоқи кунлари

ГАРБИЙ БЕРЛИН. Чоршанба кунини ГАРБИЙ Берлиннинг олий санъат мактабининг концерт залыда Совет Иттифоқи аънавий кунлари тантанали мажлиси билан бошланди.

Бу йил ана шу тадбирда СССР кўп миллатли қардош халқлари оиласи номидан Латвия Совет Социалистик республикаси қатнашмоқда.

Тантанали мажлисда Германия—Совет дўстлиги жа-

миятнинг активлари, сиёсий ташкилотлар, ёшлар, хотин-қизлар ва диний ташкилотларнинг вакиллари, ГАРБИЙ Берлин маданият арбоблари, шунингдек бу ерга келган Латвия ССР делегацияси ҳозир бўлди. Мажлисдан сўнг йилгиланлар ҳузурида Ригадан келган «Аве соль» камер хори зўр муваффақият билан концерт берди.

ТОШКЕНТЛИК ЎҚУВЧИЛАР СИЭТЛДА

ВАШИНГТОН, 12 май. ТАСС мухбири Игорь Игнатъев хабар беради: Вашингтон штатида нашр этилувчи энг катта маҳаллий «Сизтл таймс» газетасининг фотография шодон ва шўҳчан рақс тушиб турган Мирсултон Мирзааҳмедовнинг суратга олган. Тошкентлик 42-йашар ўспиринининг сурати Совет Ўзбекистонинг пойтахтининг ёш вакиллари Сизтл мактабларининг бирда берган концерт чоғида олинган.

Ўзбекистонлик мактаб ўқувчилари группасининг икки ҳафта меҳмон бўлиб туриши АҚШ шимоли-ғарбидаги бу катта шаҳар аҳолиси учун эсда қоладиган воқеа бўлди. «Сизтл—Тошкент биродарлашган шаҳарлар комитети» ўқувчиларнинг ана шу сафарини ташкил этишда гоят актив ёрдам берди. Ўзбекистон пойтахтидаги бир неча мактабдан 11 ёшдан 16 ёшгача бўлган 16 боладан иборат делегация жавоб визити билан Сизтлга келганди. Улар бултур март ойида маҳаллий «Вашингтон мидалл скул» мактабидан келган америкалик тенгдошларини самийи кутиб олгандилар. Совет Иттифоқи га қилинган сафар, меҳмондўст Тошкент ва унинг одамлари билан танишув Сизтл ёш аҳолисида унутилмас таассурот қолдирганди.

Тошкент билан биродарлашган АҚШнинг шимоли-ғарбий соҳилидаги шаҳар — Сизтл аҳолиси Ўзбекистон вакиллари қабул қилар экан, худди шундай меҳмондўстлиқ қилиш ҳаракатида бўлди. Болалар Сизтлда ҳамиша оддий оқлаларда яшадилар ва бу нарсга америкаликларнинг ҳе-

ти ва турмуши билан яқиндан танишишга имкон берди.

Вашингтон штатининг губернатори Бут Гарднер ва Сизтл шаҳрининг ҳокими Чарльз Ройер ёш тошкентликларни қабул қилди. Оддий америкаликлар билан кўпдан-кўп учрашувлар эса энг қизиқарли воқеалардан бўлди. Ўзбекистон кунини деб эълон қилинган 2 майда Сизтлнинг каттакичик 200 нафардан ортиқ аҳолиси тошкентлик меҳмонлар билан бирга шаҳардан ташқаридаги хушманзара Оркас оролига сайлга чиқди. Улар биргаликда совет қўшқинлари ўргандилар, ҳаттоки Ўзбек тилининг бир лаҳзалик дасис ҳам бўлиб ўтди. Миллий Ўзбек таомлари программанинг энг асосий қисми бўлди, албатта. Америка тўш аҳолисининг болалари ўқийдиган мактабни бориб кўриш ҳам болаларнинг эсида қолди.

Ўзбек мактаб ўқувчилари делегацияси Сизтлда бўлган пайтида биродарлашган шаҳарлар ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш режалари муҳокама қилинди. Вашингтон штатининг маъмурий маркази Олимпиа шаҳрининг ҳокими Холли хоним Олимпиа аҳолиси билан Самарқанд аҳолиси ўртасида хамкорликни йўлга солишни мақсад қилиб қўйган материалларни топширди. «Биз бу хилдаги алоқаларни ҳарчанд қўллаб-қувватлаймиз, — деди ТАСС мухбири билан телефон орқали сўхбатда Сизтл маориф бошқармаси асосий таълим программаларининг директори Даг Дэннер. — Бундай учрашувлар ва визитлар мактаб ўқувчилари савиясини кенгайтиришга ҳамда уларнинг атроф-дунё мураккаб проблемаларини тушунишларига ёрдам беради».

• ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА •

Душанба

16 май

✦ МТ-1

7.00 «120 минут». 9.05 Футбол шарҳи. 9.30 Зарба. Тўрт серияли телевизион бадий фильм премьераси. 1-серия. 11.05 Концерт. 11.30 Янгиликлар. 11.40 Санъат усталари. 16.00 Янгиликлар. 16.10 Қайта куриш прожектори. 16.20 Замондошимиз портрети. 17.10 Кувноқ стартлар. 17.35 Объектив. 18.30 Мультфильм. 18.45 Сибирь тупроғи. 19.15 Ёшлик куйлайди ва рақсга тушади. 19.30 Ҳужжатли фильм. 1—2-фильмлар. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Футбол шарҳи. 22.45 Тўнгоғич. Спектакль. 23.40 Дунё воқеалари. 23.50 Концерт.

✦ МТ-11

9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабон фильм. 9.35, 10.35 Тарих. 10.05 Италия тили. 11.05 СГПУ ўқувчиларига. 11.35, 12.25 Астрономия. 12.05 Илмий-оммабон фильм. 12.35 Ёнгилмас. Бадий фильм. 14.05 Ҳужжатли фильм. 14.55 Янгиликлар. 16.30 Фильм-концерт. 18.35 Янгиликлар. 18.45 Совет Иттифоқига хизмат қилмади! 19.45 Мультфильм. 20.00 Футбол шарҳи. 20.30 Тўнғигиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Ҳаракат хавфсизлиги учун. 20.50 Халқаро панорама. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Лейтенант С. Бадий фильм. 23.25 Тинчлик велопойгаси. 23.50 Янгиликлар.

✦ УзТВ-1

16.45 Математика. 17.20 Телефильм. 17.30 География. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Ҳужжатли фильм. 18.45 Усмир ва қонун. 19.20 Ленин Декрети асосида. 20.00 «Ахборот». 20.15 Бизнинг интервью. 20.30 «Ахборот». 20.50 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Айбдор. Бадий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН
ПРОГРАММА

19.30 А. Несин. Кунгабоқарлар. 20.25 Киносаҳбатчилар альманаҳи. 21.05 Саскин танкида остида. 21.30 ФРУНЗЕ КУРСАТАДИ.

Сешанба

17 май

✦ МТ-1

7.00 «120 минут». 9.05 Мультфильмлар. 9.30 Зарба. Бадий фильм. 2-серия. 16.00 Янгиликлар. 16.15 Қайта куриш прожектори. 16.25 Беш йиллик: ишлар ва одамлар. 17.35 Биз Шопен музикасини севамиз. 18.50 Биз кўра олмайдиган картиналар. 19.25 Дунё воқеалари. 19.35 Шейрият лаҳзалари. 19.45 Татар халқ кўшиқлари. 20.00 Зарба. Бадий фильм. 1-серия. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Ҳужжатли фильм. 23.10 Дунё воқеалари. 23.20 Америка билан учрашувлар.

✦ МТ-11

9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабон фильм. 9.35, 10.35 Табиатшунослик. 9.55 Сизни севамиз, шўх эманзорлар. 10.05 Француз тили. 10.55 Стандадаги қон. 11.05 СГПУ ўқувчиларига. 11.35, 12.35 Биология. 11.55 Илмий-оммабон фильм. 12.05 Француз тили. 12.55 Жараён. Ҳужжатли фильм. 15.05 Қишлоқ янгиликлари.

18.35 Янгиликлар. 18.40 Музикали кинос. 19.10 «... 16 ёш гача ва ундан катталар». 20.00 Ритмик гимнастика. 20.30 Тўнғигиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 От спорти. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Ёнг узун бугдойоя. Бадий фильм. 23.40 Тўнғи почта. 00.10 Янгиликлар. 00.15 Тинчлик велопойгаси.

✦ УзТВ-1

16.45 Физика. 17.20 Телефильм. 17.30 Эстетика асослари. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Ёшлик студияси курсатади. 19.00 Агросаноат: тажриба ва муаммолар. 19.30 Адабиёт элчилари. 20.00 «Ахборот». 20.15 Илмий-оммабон фильм. 20.30 «Ахборот». 20.50 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Хотира. 23.20 Бугун оламда нима гап! 23.35 Илмий-оммабон фильмлар.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН
ПРОГРАММА

19.30 Ҳамма гап акада. Бадий фильм. 20.40 Тошкент ва тошкентликлар. 21.30 ФРУНЗЕ КУРСАТАДИ.

Чоршанба

18 май

✦ МТ-1

ХАЛҚАРО МУЗЕЙЛАР КУНИ

7.00 «120 минут». 9.05 Ҳужжатли фильмлар. 9.35 Зарба. Бадий фильм. 2 ва 3-сериялар (11.00) — 16.00 Янгиликлар. 16.10 Қайта куриш прожектори. 16.20 Ҳужжатли фильм. 16.30 Болалар учун фильм. 17.40 ВЛКСМ Марказий Комитетнинг Пленумидан репортаж. 18.00 Концерт. 18.30 Коммунистик аудитория. 19.15 Дунё воқеалари. 19.35 Шейрият лаҳзалари. 19.40 Концерт. 20.00 Зарба. Бадий фильм. 2-серия. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Америка билан учрашувлар. 23.15 Дунё воқеалари. 23.25 Халқаро музейлар кунига. 00.05 В. Астафьев. Сайқал. 00.20 Концерт.

✦ МТ-11

15.20 Лабиринт бўйлаб узундан-узқ йўл. Бадий фильм. 1-серия. 16.30 Концерт. 18.35 Янгиликлар. 18.40 Концерт. 18.55 Трамвайда Ильф ва Петров боришарди. Бадий фильм. 20.00 Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 20.30 Тўнғигиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Ҳужжатли фильм. 21.00 Позиция. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Концерт. 22.45 Футбол. «Торпедо» — «Днепр». (23.30) Тинчлик велопойгаси. 00.30 Янгиликлар.

✦ УзТВ-1

16.45 Рус адабиёти. 17.20 Ҳужжатли фильм. 17.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Дўстлик ва тараққиёт йўли. 19.15 Санъат олами. 19.45 «Ахборот». 20.00 Футбол. «Пахтакор» — «Таврия» (Симферополь). 20.50 «Ахборот». 21.10 Пиллачиларнинг долларб вазифалари. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Концерт. 23.00 Тошкентдаги VIII Бутуниттифоқ педагогик ўқувларида.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН
ПРОГРАММА

19.25 Ёшқини очинг, биров келди. Бадий фильм. 20.40 Телефильм. 21.00 Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан. 21.30 ФРУНЗЕ КУРСАТАДИ.

Пайшанба

19 май

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ

БУТУНИТТИФОҚ ПИОНЕР
ТАШКИЛОТИ ТУГИЛГАН КУН

✦ МТ-1

7.00 «120 минут». 9.05 Концерт. 9.25 Зарба. Бадий фильм. 3 ва 4-сериялар (10.50) — 16.00 Янгиликлар. 16.10 Қайта куриш прожектори. 16.20 В. И. Ленин номида Бутуниттифоқ пионер ташкилоти туғилган кунга. 17.10 Концерт. 17.40 «... 16 ёшгача ва ундан катталар». 18.30 Музикали ҳазина. 19.20 Дунё воқеалари. 19.40 Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан. 20.05 Зарба. Бадий фильм. 3-серия. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Америка билан учрашув. 23.15 Дунё воқеалари. 23.25 Концерт.

✦ МТ-11

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 Илмий-оммабон фильм. 9.35, 10.35 Биология. 10.05 Испан тили. 11.05 СГПУ ўқувчиларига. 11.35, 12.35 Оилавий турмуш этикаси ва психологияси. 12.05 Испан тили. 13.05 Олмос камар. Бадий фильм. 1-серия. 14.10 Ҳужжатли фильмлар. 14.50 Янгиликлар. 15.00 Лабиринт бўйлаб узундан-узқ йўл. 2-серия. 18.35 Янгиликлар. 18.45 Эҳтиёткорлик. 19.45 Ритмик гимнастика. 20.15 Концерт. 20.30 Тўнғигиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Киножурнал. 21.00 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Ерқин йўл. Бадий фильм. 23.50 Янгиликлар.

✦ УзТВ-1

16.45 Зоология. 17.15 Мультфильм. 17.30 Ўқитувчи экрани. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Ҳужжатли фильм. 18.35 Иқтисодий шарҳ. 19.20 Йирик планда — инсон. 20.00 «Ахборот». 20.15 Концерт. 20.30 «Ахборот». 20.50 В. И. Ленин номида Бутуниттифоқ пионер ташкилоти туғилган кунга. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Телевизион новеллалар театри. 23.05 Ҳужжатли фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН
ПРОГРАММА

19.35 Қайта куриш йўлидан. 20.25 Реклама. 20.35 Телефильм. 20.45 Биз интернационалистлармиз. 21.30 ДУШАНБА КУРСАТАДИ.

Жума

20 май

✦ МТ-1

7.00 «120 минут». 9.05 Концерт. 9.25 Зарба. Бадий фильм. 4-серия. 10.50 Янгиликлар. 11.00 Мўжизасиз мўжизалар. 12.10 Музика билан интервью. Н. Богословский. 16.00 Янгиликлар. 16.10 Қайта куриш прожектори. 16.20 Ҳужжатли фильм. 16.50 Нег ва нима учун! 17.20 Эстония телевидениесининг программаси. 18.20 Ҳар дом бўлсин кўш! Концерт. 18.50 Инсон ва қонун. 19.20 Дунё воқеалари. 19.40 Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан. 20.05 Зарба. Бадий фильм. 4-серия. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Америка билан учрашувлар. 23.15 Бадий қийматга эга эасми! 24.00 Нигоҳ. Тўнғи информацион-музикали программа.

✦ МТ-11

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 Илмий-оммабон фильм. 9.40 Эстетик тарбия. 10.10 Инглиз тили. 10.40 Даҳшатли калтакесак ва унинг авлодлари. 11.10 Тарих. 11.40 Илмий-оммабон фильм. 12.00 Инглиз тили. 12.30 Илмий-оммабон фильм. 12.55 Олмос камар. Бадий фильм. 2-серия. 14.00 Ҳужжатли фильм. 15.00 Янгиликлар. 15.10 Такрорий телефильмлар кундузги сеанси. 18.35 Янгиликлар. 18.45 Ҳужжатли фильм. 19.05 Концерт. 20.25 Тўнғигиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.40 Ҳужжатли фильмлар. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Чет эл фильмлари экрани. 24.00 Янгиликлар. 00.10 Тинчлик велопойгаси.

✦ УзТВ-1

16.45 Бу ер менинг масканим. Бадий фильм. 17.30 Биология. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Инсон болаликдан бошланади. 18.50 Мультфильм. 19.00 Бутуниттифоқ пионер ташкилоти туғилган кунга бағишланган катта байрам концерти. 20.00 «Ахборот». 20.15 Комсомол прожектори. 20.30 «Ахборот». 20.50 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Миниятуралар театри. 23.25 Ҳужжатли фильм. 23.45 Бугун оламда нима гап!

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН
ПРОГРАММА

19.35 Хор бошлиғи ёки Бахорги олимпиада. Бадий фильм. 20.45 Шаҳар юмушлари ва ташвишлари. «Тошкент узра мусофиро осмон». 21.30 ДУШАНБА КУРСАТАДИ.

Шанба

21 май

✦ МТ-1

7.00 «120 минут». 9.05 Халқ куйлари. 9.20 Нег ва нима учун! 9.50 Ҳужжатли фильм. 10.20 Ҳаракат хавфсизлиги учун. 11.30 Ҳужжатли фильм. 11.40 Биринчи. Бадий фильм. 13.05 Дунё воқеалари. 13.25 Шейрият лаҳзалари. 13.30 Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 14.00 Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан. 15.30 Концерт. 15.55 Социализм мамлакатларида. 16.25 Мультпликацияда фантастика. 16.55 Н. Гутман. Фильм-концерт. 17.45 Халқаро ҳаёт бош редакцияси таништириди. 18.45 Ҳайвонот оламиди. 19.45 Қўшиқлар. 20.25 Терговни билимдонлар олиб боради. Бадий фильм. 1-серия. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Терговни билимдонлар олиб боради. Бадий фильм. 2-серия. 23.20 Катталар учун мультфильм. 23.45 Ярим тунгача ва ярим тундан сўнг. Музикали программа.

✦ МТ-11

8.30 Эрталабки гимнастика. 8.45 Истикбол. 9.35 А. П. Чехов театри. 10.30 Здравье. 11.15 Йил фасллари. 12.20 Фалсафий суҳбатлар. 13.20 Уй академияси. 13.55 Рус маданияти ҳақида суҳбатлар. 14.30 Мўжизасиз мўжизалар. 15.30 Ҳужжатли фильм. 16.00 Ялангоёқлар. Бадий фильм. 17.25 Телевизион музикали эбонемент. 18.15 Мультфильм. 18.30 Экспромт. Ҳужжатли фильм. 18.40 Бутуниттифоқ лауреати В. Тарво чакалди. 18.55 Репетитор. Бадий фильм. 20.25 Реклама. 20.30 Тўнғигиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Бадий гимнастика. 21.30 «Время».

22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Венгрияда музика ҳақида сўз. 22.50 Янгиликлар. 23.00 Эстафета. Танаффус пайтида — Концерт.

✦ УзТВ-1

8.00 «Ассалому алайкум». 9.30 Илмий-оммабон фильм. 9.50 Фильм-концерт. 10.15 Ветан ўғлонлари. Бадий фильм. 11.35 Спорт программаси. 12.25 Жасорат. 13.45 Уй қандай қурилади! 14.15 Техника ижодиёти мактаби. 14.50 Ёшлик. 15.35 Театр ва замон. 16.20 Ёшлик. 17.05 Мультфильм. 17.15 Музика луғати. 18.00 Тенгдошлар. 18.45 Инсон ва табиат. 19.15 Тошкентдаги VIII Бутуниттифоқ педагогик ўқувларида. 20.00 «Ахборот». 20.15 Телефильм. 20.30 «Ахборот». 20.50 Дўстларимиз тароналари. 21.30 «Время». 22.05 Қайта куриш прожектори. 22.15 Машраб лирикиси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН
ПРОГРАММА

19.00 ДУШАНБА КУРСАТАДИ.

Якшанба

22 май

✦ МТ-1

8.30 Янгиликлар. 8.45 Ритмик гимнастика. 9.30 Совет Иттифоқи бўйлаб. 9.50 Спортлото. 10.00 Будилик. 10.30 Совет Иттифоқига хизмат қилмади! 11.30 Тўнғи почта. 12.00 Савҳатчилар клуби. 13.00 Музикали киоск. 13.30 Қишлоқ янгиликлари. 14.30 Ҳужжатли фильм. 15.50 Фильм-концерт. 16.20 Мультфильм. 16.25 Илмий-оммабон фильм. 17.20 Буратино сергузашти. 2-серия. 18.30 Халқаро панорама. 19.15 Мультфильм. 19.55 Фанфан-топчан. Бадий фильм. 21.30 «Время». 22.05 Кинопанорама. 23.50 Янгиликлар.

✦ МТ-11

8.30 Зарядкага сафланми! 8.45 Илмий-оммабон фильм. 9.10 Портретлар. 10.00 Илмий-оммабон фильмлар. 10.55 Рус тили. 11.25 Фан назария, тажриба, практика. 12.00 Савҳатчилар клуби. 13.00 Тарих. 14.30 Нюрберг майстерзингерлари. Спектакль. Танаффус пайтида — Ҳужжатли фильм. 19.35 Фильм-концерт. 20.30 Тўнғигиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Бадий гимнастика. 21.30 «Время». 22.05 Футбол. СССР чемпионати. «Динамо» (Киев) — «Локомотив». 23.45 Тинчлик велопойгаси. 24.00 «Коммунистик аудитория». 00.45 Янгиликлар.

✦ УзТВ-1

8.30 «Ассалому алайкум». 10.00 Телефильм. 11.00 Биргаликда куйлаймиз. 11.20 Киноб — бизнинг дўстимиз. 12.20 Урта Осиё республикалари ва Қозоғистон ёшларининг санъат фестивали. 14.20 Спорт программаси. 15.20 Сиз учун учрашувлар. 16.00 Бунга ҳамма билиши ва ундашга керак. 16.30 Мультфильм. 16.50 Халқ ижодиёти. 17.35 Реклама. 18.00 Санъат гунаҳлари. 18.30 Ёшлик. 19.30 Илмий-оммабон программа. 20.00 «Ахборот». 20.15 Телефильм. 20.30 «Ахборот». 20.50 СССР — АҚШ. Рақс — тинчлик элиси. 21.30 «Время». 22.05 Ўзбекистон ССР халқ шоири Ғафур Ғуллом таваллудининг 85 йиллигига бағишланган хотира кечаси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН
ПРОГРАММА

17.40 ДУШАНБА КУРСАТАДИ.

• ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА •



«Ветеран» хизматда

Қўш-қўш байрамлар арафасида Тошкентнинг Юнусобод массивида «Ветеран» комплекси очилди. Чойхона ва озиқ-овқат магазинидан ташкил топган бу гузал кошонада бир йўла қўлаб хўрандалар мириқиб дам олишлари ва ўзлари учун зарур нарсаларни харид қилишлари мумкин. Чойхона 80 ўринга мўлжалланган. Бу ерда икки хил овқат, чой, шарқ қандолатлари, турли таомлар мавжуд. Киров район ошхоналар трестига қарашли 4-ошхонанинг филиали бўлган бу комплекси «Таш-промстрой» трестининг Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қурувчи Мамадали Чориев бошлиқ комплекс бригада қурувчилари бунёд этилди. 2-қурилиш-монтаж бошқармаси Киров ошхоналар трестининг ремонт қурилиш бошқармаси ва кўпчилиги тезкорлик билан ишлаб, бир ой ичида бу кошонани битириб, Ғалаба байрами кунда шаҳарликларга туҳфа этилди. Суратларда: чойхоначи Озод Авазов; бир шёла чой устида суҳбат.

Р. Шарипов фотолари.



МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

ВЕЛОСПОРТ

Бански-Бистрица — Дубница маршрuti бўйлаб ўтказилган Тинчлик велопойгазининг учинчи босқичида поляк С. Спрух маррага биринчи бўлиб етиб келди. 162 километрлик масофани у 3 соат 45 минут 39 секундда босиб ўтди. Голландиялик Т. Кордес ва ГФР терма командаси аъзоси Р. Ленерт финишга иккинчи ва учинчи бўлиб келишди.

Учинчи босқичдан сўнг умумкоманда ҳисобида ҳамон ЧССР терма командаси олдинда бормоқда. Шахсий ҳисобда эса болгариялик велосипедчи С. Стаишев биринчи ўринга ўтиб олди.

ФУТБОЛ

● ВЕНА. Мамлакатимиз ўсмирлар терма командаси аъзолари Австриянинг Кухль шаҳрида австриялик тенгқурлари билан Европа чемпионатининг саралаш матчи ўтказишди. Уйини 1:1 ҳисобида тугади.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз терма командаси олти ўриндан 9 очко жамғариб туринир жадалини бошқариб бормоқда. Иккинчи ўринда эса беш ўриндан сўнг 7 очко тўплаган Руминия командаси келмоқда.

● ФУТБОЛ бўйича Европа турнирлари тарихида австриялик бор Бельгиянинг «Мехелен» командаси ғалабга эришди. Улар кубок эгалари кубогининг финалида чемпионлар кубогининг уч карра ғолиби Голландиянинг «Аякс» клубини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратдишди. Ягона тўпни 53-минутда «Мехелен» командасининг ҳужумчиси Бур дарвозага йўллади.

СУВ ОСТИ СПОРТИ

Хитой пойтахти Пекинда ўтказилган сув ости спорти бўйича халқаро мусобақаларда О. Аманжол, Д. Олейников, К. Кудряев, С. Ахатовлардан иборат сув ости сузувчилари қаврети 4х200 метр эстафетда янги жаҳон рекордини ўрнатдишди. Улар ўшбу масофани 5 минут 52,96 секундда сўзиб ўтишди.

Мамлакатимиз спортчилари 21 олтин медалдан 12 тасини қўлга киритишди.

● Янгийўлдаги «Фан» маданият уйи спорт зали доим қураш илҳосмандлари билан гавакми бўлади. Бу ерда 50 нафарга яқин ёшлар СССР спорт мастери Кибор Мухомов раҳбарлигида эркин кураш ва дзю-до билан шуғулланишмоқдалар. Улар орасидан маҳоратли спортчилар етишиб чиқди. Кейинги уч йил мобайлида 21 нафар курашчи СССР спорт мастерлигига номзод, 24 нафар спортчи эса биринчи разряд нормативини бажарди. Баҳром Даминов, Абдуқалил ва Дилмурод Исроилов сингари спортчилар кураш бўйича область, республика ҳамда Бутуниттифоқ мусобақаларида муваффақиятли қатнашмоқдалар.

А. КЕЛДИЕВА.

МУТАХАССИСЛАР БУЮРТМАГА КЎРА ТАҚСИМЛАНАДИ

Тошкент автомобиль транспорти ва йўллар институтида студентлар тақсими фала-ти бўлди. «Бу ерда шартнома системаси жорий этилди. Бу шартномага мувофиқ, олий мактаб мутахассислар керак бўлган корхоналарни олдиндан аниқлаб, кадрларни буюртмага мувофиқ тайёрлаш тўғрисида шартнома тузади.

Илгари олий мактабларга битирувчиларни тақсимлаш пилани юқоридан, министрликдан берилар эди. Чунотти, кўпинча мутахассислар реал эҳтиёжларни назарда тутмаган ҳолда бирон бир корхонага юбориларди. Ин-


женер кадрларни тайёрлаш сифати ҳам дуруст эмасди — ишлаб чиқаришга келган ёш мутахассислар ишлаб чиқаришни ташкил этиш усулларини, техника янгилликларини билмаган ҳоллар ҳам бўларди. Эндиликда эса олий мактабнинг ўзи алоқа боғлаб, турли корхоналар билан шартномалар тузади, битириб чиққанларнинг ишга жойлашишини назорат қилиб боради.

Институтда тузилган ўқув ишлаб чиқариш илмий маркази олдида олий мактаб билан идоралар фаолиятини мувофиқлаштиришга эмас, шу билан бирга таълим-тарбия,

илм-фан ва ишлаб чиқаришини бир-бири билан чуқур интеграциялаш жараёнига ёрдам бериш мақсади ҳам қўйилган. Шу марказ иштирокида, ми-сол учун, республика автомо-биль йўллари қуриш ва улардан фойдаланиш министрлигининг 38 та корхонаси ҳамда ташкилотлари билан керакли мутахассислар тайёрлаб бериш тўғрисида шартномалар тузилди.

Бу йил халқ хўжалигининг турли тармоқларига институтни битирган 300 га яқин киши — автомобиль йўллари қурувчилар ва механиклар, автотранспортни ишлатиш ва йўл ҳаракати мутахассислари келади. Шартномаларга мувофиқ, ёш мутахассислар иттифоқ ва республикадаги ўттифта министрлик ҳамда идораларнинг корхоналарида ишлай-дилар.

(ЎзТАГ мухбири)



«ФУТБОЛ БИРИНЧИЛАРИ»

ЦИКЛОКРОССВОРДИ

Хурматли газетхон! Жавобларини шаклда белгиланган жойдан бошлаб соат мили йўналишида рақам атрофига эзинг.

1. «Пахтакор» командасидан биринчи бўлиб юзта тўп

киритган футболчи. 2. Ўзбекистонда дастлабки футбол командаси тузилган шаҳар. 3. Дунёда илк бор команда-лар ўртасида футбол биринчиликлари ўтказила бошланган мамлакат. 4. СССР фут-

бол кубогининг биринчи совриндори. 5. «Олтин бутси» мукофотида илк бор сазовор бўлган португалиялик ўйинчи. 6. Қитъалараро кубокни биринчи бўлиб қўлга киритган Испания командаси. 7. Биринчи бўлиб икки юздан ортиқ тўп киритган Ватанимиз футболчиси. 8. Олимпиада ўйинида чемпионлиққа эришган терма командасидаги футболчиларидан бири. 9. Ватанимиз футболчиларидан «Олтин тўп»га биринчи бўлиб сазовор бўлган дарвозабон. 10. 1987 йилги биринчилиқнинг иккинчи лига ғолибларидан бири. 11. УЕФА кубогининг илк ғолиби. 12. Республикаимизда футбол бўйича дастлабки спорт мастери. 13. Ватанимиз футболда биринчи бўлиб юзта тўп киритган ҳужумчи. 14. Одатда биринчи номерда ўйнавчи футболчи. 15. СССР 51-чемпионатининг дастлабки тўпи муаллифи.

Ф. ОРИПОВ тузган.

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

14, 15 МАЙДА
МОСКВА ВА ЛАТВИЯ ЦИРКЛАРИНИНГ

ХАЙРЛАШУВ ГАСТРОЛЛАРИ

РСФСРда хизмат кўрсатган артист А. КОРНИЛОВ раҳбарлигидаги

«АФРИКА ВА ХИНД ФИЛЛАРИ»
АТТРАКЦИОНИ

2 бўлимдан иборат ранг-баранг катта программа.
ТОМОШАЛАР — 13 майда соат 19.30 да, 14 майда соат 16, 19.00 да, 15 майда соат 12, 15, 18.00 да бошланади.

Коллектив бўлиб тушиш учун заявкалар қабул қилинади.

Касса дам олиш кунисиз соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.

Справкалар учун телефонлар: 44-35-91, 44-28-04, 44-35-84.

Реклама ва эълонлар

ТҮЙЛАР МУБОРАК!

Туй тантаналарида маданий хизмат қилишга мослаш-тирилган ва замонавий репертуарга эга бўлган

АВИАСОЗЛАР МАДАНИЯТ САРОНИ

«САМО» АНСАМБЛИ

БАХТ ВА ШОДЛИК ОҚШОМИНИ КҮНГИЛДАГИДЕК
ЎТКАЗИШДА ХИЗМАТИНГИЗГА ТАЙЕР

Ансамблини кассага пул тўлаш йўли билан тўйхонага таклиф қилишингиз мумкин.

Буюртмалар олдиндан ҳар куни соат 17.00 дан Маданият саройининг 2-қават, 90-хонасида қабул қилинади.

Бизнинг адрес: Авиасозлар шаҳарчаси, Лисунов кўчаси, Авиасозлар маданият саройи (15, 23, 48, 72, 151, 154, 164-автобуслар; 3, 23-трамвайларнинг «Маданият саройи» бекати, метрода «Чкалов» станциясигача борилади.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ

(«Ташкентская правда»)
Орган Ташкентского обкома
Коммунистической партии
Узбекистана и областного
Совета народных депутатов

Издаётся на
узбекском языке

Редакция адрес:

700083, ГСП, Тошкент,
Ленинград кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: 33-40-48,
32-53-54 хатлар ва оммавий
ишлар бўлими